
ХИТОЙНИНГ СМЕС КОРПОРАЦИЯСИ ФАРҒОНАДА ЙИРИК САВДО-ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ ҚУРИЛИШИ ЛОЙИҲАСИГА САРМОЯ КИРИТАДИ

Бугун Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси қошидаги "Фармададинвест" гуруҳи ва Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси ташаббуси билан вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев Хитой Машинасозлик ва муҳандислик корпорацияси (СМЕС) вакиллари билан музокаралар ўтказди.

Мулоқотда Фарғона вилоятининг инвестицион салоҳияти, мавжуд имкониятлари ҳақида маълумот берилди.

Лойиҳалаш ва қурилиш, энергетика, маъданчилик, электроника, экспорт-импорт ва бошқа кўплаб соҳаларда фаолият олиб боровчи йирик халқаро корпорация бўлган СМЕС ҳозирда дунёнинг 150 дан ортиқ давлатларида турли йўналишларда ўз лойиҳаларини амалга ошириб келади. Хитой Машинасозлик ва муҳандислик корпорацияси кўплаб инвестицион лойиҳаларга ҳам ўз сармоясини йўналтирган.

Бугунги учрашувда СМЕС вакиллари Фарғонада йирик савдо-логистика маркази қурилиши лойиҳасига маблағ киритиш истагини билдирдилар. Ушбу марказнинг қурилиши билан боғлиқ масалалар, жараёнлар атрофлича муҳокама қилинди.

Муҳокамаларнинг амалий иш босқичига ўтиш учун жорий йил май ойида корпорация вакиллари Фарғонага келиши, лойиҳани бошлаш тартиблари яна бир бор кўриб чиқилиб, ҳамкорлик шартлари белгиланиши келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-27 16:06:43